



ҲОДИСА ИЗИДАН  
**ҚАМОҚХОНАДА  
«УЙҒОНДИ»**

У содир этган жиноят кишилар қалбига ларза солибгина қолмаганди. Ахир, она ва унинг бир-бирдан норасида уч фарзанди ваҳшиёна ўлдирилганди. Маҳалла аҳли қотилликда айбланаётган кимса қўлга олинган, ўзини енгил ҳис қилганди. Афсуски, Равшан Бўриев шу йил 6 январь кун тонготарда тўрт нафар ҳамхонаси билан лаҳм қазиб, Тошкентдаги тергов қамоқхонасидан қочиб кетганди.

Бирин-кетин турли даражадаги жиноятлар содир этган қочоқлар қўлга туширилиб, қамоқхонага қайтарилганди. Фақат Бўриев очикда юрарди. Тошкент шаҳар ИИБда у томонидан янги жиноят содир этилиши олдини олиш ва қидирувни пухта ташкил этиш учун энг тажрибали ходимлардан иборат гуруҳ тузилди.

На кунни, на тунни билган ходимлар игна билан қудуқ қазиди гўё. Равшан Бўриев дом-дараксиз ғойиб бўлганди. Тўртинчи узоққа ташлаган изқуварлар унинг илминишига ишончлари қолмади эди. Ниҳоят сўнгги қочоқнинг дараги Бўкадан чиқди.

Тошкент шаҳар ИИБ ЖҚБ бошлиғи ўринбосари милиция подполковниги В. Владимиров бошчилик қилган қўлга олиш гуруҳига ЖҚБ бўлими бошлиғи ўринбосари милиция подполковниги М. Мирхўжаев, катта опервакилар милиция капитанлари В. Николаенко ва В. Амбарцумянлар киритилди. Тунги соат ўн иккиларда гуруҳ Бўка томон йўлга тушди. Гумондаги уйлардан бирига яқинлашганларида, кўчада зог ҳам учмасди...

Бўриевни ухлаб ётган пайтда тўрға туширишди. Буни шундай усталик билан амалга оширишдики, ҳатто унинг ёнида ширин тушлар кўриб ётган ошналари ҳам пайқамай қолишди.

Шундай қилиб 4 июнь кун тунги соат 3 ларда ушланган Р. Бўриев яна терговчи рўпасида қилмишлари учун жавоб бера бошлади.

Икром РАҲИМОВ,  
Шовқиддин САМИЕВ,  
Тошкент шаҳар ИИБ матбуот маркази ходимлари.



Наманган шаҳар ИИБ ДАНБ взвод командири милиция катта лейтенанти Ҳамид Ғаниев тажрибали ходимлардан ҳисобланади. У доимо қўл остидагиларни яхши муомаласи ва тўғри маслаҳати билан қўллаб туради.  
СУРАТДА: Ҳ. Ғаниев милиция старшинаси Эркин Раҳимов билан.  
Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

**ФАҲРИЙЛАР БИЛАН  
У Ч РА Ш У В**

Кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг мажлислар залига уруш, меҳнат ва ички ишлар идоралари фахрийлари йиғилишди. Бугун тарих сифатида биз ўқиётган, ўрнаётган воқеаларнинг қалбида ёшлик кўри сўнмаган ижодкорлари ва шохидлари билан учрашувга жумҳурият Президент Кенгаши аъзоси, ички ишлар вазири генерал-майор В. Камолов ташриф буюрди.

Вячеслав Мухторович жумҳуриятнинг мўтабар кишиларига таклиф учун самимий миннатдорчилик билдириб, ҳозирги мураккаб шароитда жиноятчилик билан кураш аҳволи ҳақида батафсил ахборот берди.

Вазир ички ишлар идоралари тузилиши ва таркибида замон талаби билан юз берадиган ўзгаришларга, жиноятчилик билан курашдаги мавжуд муаммо-

ларга алоҳида тўхталиб ўтди. Милициянинг зичлиги жиҳатидан жумҳуриятимиз иттифоқда охириги ўринлардан бирида эканлиги, қўллаб аўтоматоулов, алоқа воситалари, оператив-криминалистика техникаси етишмаётганлиги уқтирилди.

Шундан сўнг вазир залда йиғилган фахрийларнинг милиция фаолиятига оид ўткир саволларига ҳеч нарсани яширмай, рўйроқ жавоб берди. Айниқса, чайқовчилик, четга товар олиб чиқиш кетиш, ходимларнинг хулқ-атвори ҳақида кўллаб саволлар тушди.

Уруш ва меҳнат фахрийлари жумҳурият Кенгаши раиси Р. Ғуломов йиғилганлар номидан учрашувда қатнашгани, саволларга жавоб қайтаргани учун вазир ва унинг ҳамроҳларига ташаккур изҳор этди.

Ғ. ЖҶРАЕВ.

**КўПЧИЛИК  
ИСТАГИ**



**БИЗГА ҲАМ  
МАЪҚУЛ**

Милиция майори А. Комиловнинг «Йўл солиғи олинмас» мақоласида ёритилган муаммолар бутун ички ишлар жамоаларида мавжуд бўлса ажаб эмас. Милиция ходимларининг шайни ва кадр-қиммати ҳимоя қиладиган қонун вақтида қабул қилинди. Бироқ мамлакатимиз иқтисодий инқирозга учраган ҳозирги дамда милиция ходимлари ҳам иқтисодий ҳимоя қилинса ёмон бўлмас эди.

Муаллиф айтганидек нархнаво «осмонда». Шунга қарамай пулдорлар яхши кун кечиримокда. Жиноятчиларнинг тагида «06», «09», ҳорижда ишланган ажойиб машиналар. Бизларда-чи, минг машаққат билан олинган ўз автомашиналаримиз. Еқилғи, гилдираклар, эҳтиёт қисмларини сотиб олиш учун узундан-узун навбатга туриш керак.

Жиноятчилар кунни билан керагидан ортиқча машаққат қилиб, дам олишиб, кечалари қабих ниятларини амалга оширадилар. Милиция ходимлари эса байрам кунлари 2-3 баробар, дам олиш кунлари 2 ҳисса ортиқча ишлашга мажбурдирлар.

Муаллиф тилга олган муаммолар ҳар соҳада бор.

Шундай экан бировга осон тутмай ўз муаммоларимизни одилона ҳал этиш чораларини қидирсак. А. Комилов таъкидлагандек, нафақат йўл солиғи, шу билан бирга хизмат учун ишлатилаётган шахсий ва давлат техникаларини ёниш ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни давр талаби даражасига етказиш муддати аллақачон келган, деб ўйлаймиз. «Йўл солиғи олинмас» мақоласи Янгиқўрган тумани ИИБда ўтказилган сиёсий ўқишдан сўнг муҳокама қилинди ва ходимларимиз билдирган хоҳиш-истаклари асосида юқоридаги фикрларни баён қилдик.

Абдусамат ЭГАМБЕРДИЕВ,  
милиция майори.  
Раҳмонали ХОЖИАҚБАРОВ,  
милиция катта лейтенанти.

«Поста» рўзномасининг шу йил 14 май сониде берилган «Йўл солиғи олинмас» мақоласида жуда долзарб масалалар кўтарилган. Чунки ички ишлар ходимлари хизмат вазибаларини ҳал этиш учун истаса-истамаса (эски бўлса-да) автомашина харид қилишга мажбур. Ва уни кечаси ҳам хизмат юзасидан минади. Шу жиҳатлардан йўл солиғидан озод қилиш ҳақидаги фикр жуда одилона-дир.

Мен яна ўқувчилар диққатини телефон масаласига қаратмоқчи эдим. Баъзан қоқ ярим кечада оромимизни бузишади. Жиноят содир бўлганлиги ҳақида хабар бериш, хизматга қақриш учун ИИБ навбатчисини ёки бирор милиция ходими вақтини йўқотиб уйингизга келишга мажбур. Бунда вақт ҳам қўлдан бой берилди. Телефон эса узоқни яқин қиладди. Чунки ўша вақт ичида жиноят қилинган жойга етиб бориш мумкин.

Ўқитувчилар масаласига келсак, дарҳақиқат, улар кўп маош олишгани ҳолда газ, электр қувватига пул тўлашдан озод қилинишган. Ўқитувчи белгиланган дарс вақтини тугатиб, оиласи ёнида бўлади, байрам, тўй-томоналарга бориш имконияти бор. Ички ишлар ходими-чи? Бирорта байрамни уйда, болалари ёнида ўтказганини эслай олмас керак. Шундай экан бу масала ҳақида ҳам ўйлаб кўриш вақти келди.

Айтаверсак гап кўп. Жумҳурият Олий Кенгаши ҳақиқа бир қатор енгилликлар бермоқда. Истагимиз — ички ишлар ходимлари ҳам имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлса...

Бахтиёр ЖУМАНИЕЗОВ,  
милиция майори.

**БАДНИЯТ**

«— Бу ишга сизни нима мажбур қилди? — Унинг болалари менадан бўлган эмас». (Терговдаги савол-жавоблардан).

Кичиккина хонадон. Ичкарида мангуликка юз тутган уй соҳибаси — Санобар Назарова ғайритабиий бир тарзда ётибди. Теварагида халқобланган, аллақачон қотиб улгурган қон...

Ҳа, уни ёстиқдоши узлатга рўпара қилди. Етти-саккиз жойига пичоқ уриб, кейин бунга ҳам қаноатланмай кўрагига — фарзандларига оқ сут берган сийнага қарата ўк узди...

«Эшқобил хотинини ўлдирибди». Яққабон тумани Уйғур қишлоғининг аҳлини саросимага солган бу ҳодиса ҳақида Қашаши тумани ИИБ навбатчи бўлимига ҳам хабар келгани заҳоти ички ишлар бўлими бошлиғи вазифасини

бажарувчи милиция майори Абдураҳим Ибодов жиноят қидирув опервакили милиция лейтенанти Нарзулло Холов, участка инспектори милиция лейтенанти Абдурахмон Бекназаров ва ҳайдовчи-милиционер Исмаил Бобоқуловлардан иборат оператив гуруҳ тузди. Жиноятчининг кийим-боши, белгилари ҳақида маълумот берди.

Ишни нимадан бошлаш керак? Қандай қилсак вақтдан ютамиз? Қотил қабққа кетиб қолган бўлиши мумкин! Нарзулло Холов қаторлашган саволлар исканжасида боши қотиб турган пайтда, жиноятчи Қашаши шаҳрида яшовчи опасиникига бориши мумкин, деган хабарини етказиб қолишди. Дарҳол кўзланган манзилга етиб келдилар. Эндиги мақсад — жиноятчи ўти-

ши мумкин бўлган йўллари кўздан қочирмаслик, сабр билан кутиш. Олдинда эса — тун.

Субҳидамгача мижақа қоқишмади. Йўқ, келмади. Энди унинг Қашашида кимлар билан алоқа қилишини билиш керак. Суриштирув самарасиз кетмади. Аниқланишича, унинг яна бир хотини (ажралишган) — Хосият Хидирова Қашаши шаҳридаги марказий касалхонанинг туғруқхонасида ишлар экан.

Бу маълумот бедор кўзларга нур, чарчоқ вужудларга қувват бергандек бўлди. Ҳордиқни насия қилишиб, ҳали қуёш батамом бош кўтариб улгурмаган бир маҳалда улар касалхонага етиб келишди.

Яна кутиш. Одамни диққат қилиб юборадиган сукунат. Аммо бу узоққа чўзилмади.

Бинонинг ёнида деворга орқа бериб турган, бетоқатлик билан кимнидир кутаётган киши Нарзулло Холовнинг эътиборини ўзига тортиди. «Бу ўша!» Миясига урилган фикрдан у анчагина қатъийлашди. Абдурахмон Бекназаровга қаради. Бир-бирларини сўзсиз тушунишиб, кўзлари олма-кесак тераётган кимсага яқинлаша бошлашди. Бир-икки одим чиқар-чиқмас масофа қолганда кимса бирдан Холовга қарата пичоқ кўтарди. Мўлжалга уришга улгурмай, ерга учиб тушди, Бир зумда пичоқ билан бирга ёнидаги қирқма миллигини ва ўқларни тортиб олишди.

— Қўйворларинг. Мен Хосиятни ҳам йўқ қилишим керак!

— Худога шукрки, ниятингга етолмадинг, — жавоб беришди унга...  
Зубайдулло МУҲАММАДИЕВ,  
милиция майори.

**ГУВОҲНОМА  
ТОПШИРИЛДИ**

Кеча Тошкентда Ўзбекистон жумҳурияти миқёсидаги қатор ташкилотлар ташаббуси билан «Милицияни қувватлаш жамғармаси» деб номланган жамоатчилик бирлашмасининг Низомини рўйхатга олиш маросими бўлиб ўтди ва гувоҳнома топширилди.

Ўз мухбиримиз.

# ХАВОТИРЛИ РАҚАМЛАР ТАҲЛИЛИ

## БАНГИЛАР

Милиция ходимлари уйни қуршаб олдилар. Энди унга бир амаллаб кириб олиш керак. Нима бўлганда ҳам уларни ҳўчтиб юбормаслик лозим. Икки киши эшик олдига яқинлашиши билан калит ичкаридан бурала бошлади. Улар бунни кутмаган эдилар. У очилиши билан икки ходим ўзини икки ёнга олди. Яша гандираклар, оёқлари чалишганча нималарнидир гўдраниб эшикни ёпа бошлади. Ходимлар қўлай фурсатдан фойдаланиб, Яшани икки қўлтиғидан ушлаганча ичкари отилиб кирдилар. Хонада Генрих билан Анатолий қўлларига тиқилган игнадорни суғуриш билан овора эдилар. Улар милиция ходимларига бепарво, маъносиз қарашарди, эҳтимол, уларни кўрмасдилар ҳам. Милиция ходимлари аҳволни тушунишди-ю, хоналарни кўздан кечира бошладилар. Ҳамма нарса очик ётар, бу бангиларнинг ҳеч қандай «меҳмон»ни кутмаганлигидан далолат берарди. Ходимлар юмшоқ ўриндиларга маҳкам ўрнашиб олиб, осмонда парвоз қилаётган уй эгаси Анатолий ва унинг доимий мижози Генрихга ҳам эътибор беришмай, гувоҳлар ёрдамида текширув ва қайд қилиш ишларини бошлаб юбордилар.

Целлофан қопчаларга ўралган наркотик моддалар, қўлбола пичоқ, 3 та шприц, бир марта қўлланиладиган игналар, наркотикли таблеткалар ашёвий далиллар сифатида рўйхатга олинди.

Тягув вақтида Анатолийнинг ёнидан топилган 11,8 грамм, Генрихнинг чўнтагидан олинган 33,7 грамм моддани марихуана эканлигини экспертиза хулосалари тасдиқлади.

Терговда маълум бўлишича, Анатолий мижозлари Генрих ва Яшаларга наркотик модда етказиб бериб турган. Оққўрғон тумани ИИБга М. Чачи кўчасида истиқомат қилувчи фуқаролардан шу кўчада яшовчи Анатолий Кимнинг қонуносиз фаолияти ҳақида бир неча хабарлар тушган эди. Хабарлар жиддий асосланганлигидан сўнггина операция ишлаб чиқилди.


М. ИБРОҲИМОВА.

Жумҳуриятимизнинг тил тўғрисидаги Қонун қабул қилинганига бир ярим йилдан ошди. Бу давр ичида анчагина тадбирлар амалга оширилди ва ...оширилмади.


Масалан, пойтахтимиздаги Пролетар кўча, 4-уйда жойлашган халқ кўнгилли дружиначилари қароргоҳи пештоқидаги чироқли кўрсаткич «Штаб ДНД г. Ташкент», Луначарский кўчасида «Районий штаб ДНД», Бобур кўчасида «Штаб ДНД Фрунзенского района» каби ёзувлар ҳамон ўзгаришсиз қолмоқда. Тўғри, бу ўринда туман ички ишлар бўлиmlари ёки шаҳар бошқармасидаги мутасаддиларни айблаб бўлмайди. Негани, «ДНД»лар ижроия қўмиталари қарармоғидаги ташкилотлардир.

Айб асосан туман ижроия қўмиталарида десак, ишонаверинг, Биргина мисол: 1990 йил май ойида Фрунзе тумани ҳудудидаги Б. Хмельницкий кўчасининг Фрунзе савдо марказидан қўналгагача бўлган қисмига ҳамда Киров номи истироҳат боғига Заҳи

ЖИНОЯТ ҚИЛДҮРҮВ Йўналиши бўйича ялпи жиноятда  
ЖУМҲУРИЯТ ВИЛОЯТЛАРИНИНГ САЛМОҒИ/Фонз ҳисобида/



БОСҚИНЧИЛИК ВА ТАЛОНЧИЛИКНИНГ ЯЛПИ МИҚДОРИДА  
ЖУМҲУРИЯТ ВИЛОЯТЛАРИНИНГ САЛМОҒИ/Фонз ҳисобида/



Жумҳуриятда жиноятчилик билан кураш аҳволининг мураккаблашиб бориши давом этмоқда. 1991 йилнинг биринчи чорагида рўйхатга олинган жиноятлар сони 21,5 мингтадан ошиб кетди. Айниқса, оғир тан жароҳати етказиш, талончилик, шахсий мулкни ўғирлаш кўпайди. Ўсмирлар ўртасидаги жиноятчилик тўлқини сусаймаётир. Иқтисодиёт соҳасида гаразли сунистеъмоликлар кенг тармоқ отмоқда.

Шу билан биргалликда милиция фаолияти активлашгани эвазига айрим ижобий ўзгаришлар ҳам юз бераётгани кўзга ташланмоқда. Гувоҳсиз жиноятларни очиш,

дом-дараксиз йўқолган шахсларни қидириб топиш анчагина яхшиланди. Жиноятчилик миқдорий ўзгаришини белгилловчи асосий жой — Тошкентда жиноятчилик билан кураш самараси ортди. Кўча-кўй, хиёбон ва боғлар, аҳоли пунктларида камроқ жиноят содир этилди.

Шунингдек, такрорий жиноят юз бериши муътадиллашди. Масъ ҳолатдаги шахсларнинг жамоат тартибига қарши ҳатти-ҳаракатлари озайди. Қасддан одам ўлдирш, босқинчилик, давлат мулкни ўғирлаш, жинойий жавобгарликка тортиладиган безорилик ва товламачилик ҳоллари камайди.

## САЁҚ ЮРСАНГ...

Урганч шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли кичик корхонада таъминотчи бўлиб ишлайдиган Шавкат Отаев ҳам ўзининг янги «ҳунари»ни бир синаб кўрмоқчи бўлди. 1963 йилда туғилган бу йигит илгари ҳам УзССР ЖМнинг 94-моддаси учинчи қисми билан судланганди. Лекин...

У шу йил бошларида Урганч туманидаги Паррандачилик кўрғонининг Комсомол кўча-

сида истиқомат қилувчи Баҳром Жуманиёвнинг уйида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ўғирликка тушади. Ва анчагина қимматбаҳо буюмларни ўмариб кетади. Тезликда кўрилган чоратадбирлар натижасида Ш. Отаев кўлга олинди, ўғирланган буюмларнинг барчаси эгасига қайтариб берилди.

Саъдулла БОБОЕВ,  
Хоразм вилояти.


## ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ҚАНДАЙ ВАЖАРИЛМОҚДА?

# ЛОҚАЙДЛИКНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?


ридин Муҳаммад Бобур номи берилди. Орадан кўп ўтмай Тошкент шаҳар Атамалар комиссиясининг 1990 йил сентябрь ойи йигини тавсияси ҳамда халқ ноиблари Тошкент шаҳар Кенгашининг 1991 йил февраль ойи қарори билан Б. Хмельницкий кўчаси тўлалигича Бобур номи олдиди. Шунингдек, Ш. Руставели кўчасининг айнан Бобур кўчасида «Самарқанд» шоҳбекатида қадар Усмон Носир номи берилди. Аммо бу хайрли тадбирлар Фрунзе тумани ижроқўмидаги мутасаддиларнинг тўраларча лоқайдлиги боис амалга ошмай турибди. Яъни, Бобур номи истироҳат боғида Кировга қўйилган ҳайкал ҳамон ўз ўрнида. Б. Хмельницкий кўчасининг қолган қисмига ва Ш. Руставели кўчасининг

Усмон Носир номи олган ҳудудига янги кўрсаткичлар ҳали ҳам ўрнатилмаган, аҳоли ҳам қайта рўйхатдан ўтказилмаган. Бу лоқайдлик, тўрачилик қачонгача давом этар экан? Шу ўринда давлат тили ҳақидаги Қонун амалиёти ва умуман мазкур қонун моҳиятини тўла англамай, ноўрин сарф-харajatларга йўл қўйилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Ноўрин харажат бу — қонун тили билан айтганда — давлат мулкни, ижтимоий мулкни талон-тарож қилиш эмасми? Бу эса ўз ўрнида Ўзбекистон ССЖ жиноят мажмуасининг 114-118, 119, 119-моддаларига мос келади. Масалан, Тошкент шаҳар савдо бошбошқармасига қарашли «Маданий буюмлар савдо таш-

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИДАГИ МИҚДОРИЙ ЎЗГАРИШЛАР



ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ МИҚДОРИЙ ЎЗГАРИШЛАРИ  
/шу қўрғондан жиноят қилдүрүв йўналиши бўйича/



## 115-КИЛОМЕТРДАГИ ФОЖИА

27 май кўни тахминан соат тўртларда Жиззах-Қўқон йўлининг 115-километрида фожиа юз берди. Аскар Усмонов бошқариб бораётган 43-00 СИЛ рақамли «РАФ» белгилли автомашина қарама-қарши томондан келаятган 18-61 СИА рақамли «ВАЗ-2121» белгилли энгил автомобиль билан тўқнашиб кетди. Натияжада икки йўловчи ҳалок бўлиб, ўн уч киши оғир аҳволда касалхонага келтирилди.

Тўқнашув ҳайдовчи А. Усмоновнинг йўл ҳаракати қондасини бузганлиги оқибатида келиб чиққан. Унинг давлат корхоналаридан бирига қарашли бу транспорт воситасидан нима мақсадда фойдаланмоқчи бўлганлиги ҳозирда аниқланмоқда.

Анвар НАЗАРОВ,  
УзССР ИИБ давлат автомобиль назоряти бошқармаси ходими милиция капитани.

килоти» давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилингач ҳам ўзига қарашли дўконлар пештоқида ўзбек ва рус тилларида пешлавҳалар ўрнатди. Ваҳоланки, тил ҳақидаги қонуннинг 24-моддасида Ўзбекистон ҳудудидаги барча жой номлари ягона давлат тилида қайд этилиши белгиланган. Бундай аҳволни заргарлик буюмлари билан савдо қилувчи жумҳурият «Олмос» улгуржи-чакана савдо бирлашмасига қарашли дўконларда ҳам кузатиш мумкин. Битта пешлавҳа ўртача бир ярим минг сўм туришини инобатга олсак, ўнлаб бундай пешлавҳалар неча сўмлик давлат, халқ маблағини кўкка совурганини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Шаҳримиздаги айрим йирик-йирик корхона ва ташкилотлар ҳам қо-

нунга зид равишда фақат Рус тилида пешлавҳа ўрнатганлар: «Таштекстиль-маш», «Средазкабель», «Высшая партийная школа» ва ҳоказо. Шунингдек, «Чилонзор», «Марказий», «Болалар дунёси» каби савдо марказлари пештоқидаги икки тилли чироқли пешлавҳалар камида 10 минг сўм турса керак. «Чорсу», «Ўзбекистон», «Саёҳат» меҳмонхоналарининг пешлавҳалари чи? Улар халқимизга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтирмоқда, жумҳурият Олий Кенгаши қабул қилган «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни оёқости қилмоқда. Қонуннинг 28-моддасида: «Ҳар бир ташкилот раҳбари мазкур қонуннинг бажарилиши юзасидан ўз қўлостидаги ташкилот учун жавобгардир», — дейилган. Аммо биз юқорида номларини қайд этган ташкилот раҳбарлари қонун амалиётида со-вўққонлик қилмоқдалар.

Дилжурод САИДОВ,  
журналист.

# БИРНИНГ КАСРИ МИНГГАМИ?

Мен анча йиллардан буён ички ишлар соҳасида хизмат қилиб келаман. Милиционерлик менга ота касб. Меҳнат фаолиятим давомида эл озоишталлигини қўриқлашга озми-кўпми, баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганимдан хурсандман. Бундан кейин ҳам ўз хизмат бурчимни шараф билан ўташга ҳаракат қиламан. Аммо мени мудом бир нарса қаттиқ афсуслантириб, изтиробга солиб келади: маълумки, милиция туб моҳияти билан эл-юрт тинчлигини таъминлашга, халқ ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга даъват этилган. Бу вазифани ички ишлар ходимлари баҳоли-қудрат бажариб келмоқдалар, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда, социалистик қонунчилиқни мустаҳкамлашда фаол иштирок этмоқдалар. Бироқ, шунга қарамай, халқимиз негавдир милицияга бошқача кўз билан қарайди. У ҳақда гап кетса, одамлар кўпинча салбий фикр билдиришади. Бундан ташқари, эл орасида милиция ҳақида курақда турмайдиган турли хил бемаъни латифалар ҳам тўқилган. Баъзи ота-оналар эса фарзандлари шўхлиқни ҳаддан ошириб юборса ёки хархаша қилса, «Жим ўтир, бўлмаса, милиция чақираман» деб қўрқитишга одатланишган. Қизиғи, милиция номини эшитиши билан болалар ҳам шўхлиқларини тўхтатадилар. Бундан ҳам ачинарлиси, уч-тўрт милиция ходими хизмат кийимида бирор тўй-томоша ёки даврага кириб боршса, халқ руҳиятида зум ўтмай қандайдир ўзгариш сезилади. Боягина бемалол ўйнаб-қулиб, чақчақлашиб ўтирган одамлар бирданига сиполашиб, жиддий тортиб қоладилар.

Хўш, нега шундай? Халқ орасидан чиққан милиция ходимларига нега халқнинг ўзи бегона кўз билан қарайди? Бошига иш тушганда милицияга югурадиган одамлар нега бошқа пайтлари ундан ўзларини олиб қочадилар?

Менимча, бунинг сабаблари кўп. Аввало, совет ҳокимиятининг ўтган даврда милиция халқ наздида кўпроқ эъраволик тиксалигига айланган қолди. Яккахоқимликни қўлга олган юқори ташкилотлар ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаландилар, милиция ходимларини югурдакка айлантиришга уриндилар. Жумладан, қишлоқ жойларда ишловчи милиция ходимлари кўпинча ўз вазифалари бир четда қолиб фирқа топшириқларини бажариш, хўжалик ишларига аралашиб билан шуғулландилар. Турғунлик йилларида одамларни пахта йиғим-теримига жалб этиш, уларга эўрлаб пилла қурти тарқатиш каби юмушлар билан ўралашдилар. Иккинчидан, милиция сафларига нопок, ношуд кишилар ҳам кўплаб кириб қолди. Улар халқнинг арз-додига етарли даражада қулоқ солмадилар. Айримлари порахўрлик қилдилар, қалтис вазиятларда таниш-билишчиликка, қатъиятсизликка, ҳатто, қонунбузарликка йўл қўйдилар. Учинчидан, биз узоқ йиллар давомида милициянинг маънавий қиёфаси тўғрисида мутлақо қайғурмадик. Шу боис уларнинг жуда кўпчилигида лозқал оддий муомала маданияти ҳам етишмади. Жиноятчи-қонунбузарлар билан-ку қўяверинг,

бошқа юмуш билан ўзларига мурожаат қилганлар билан ҳам ниҳоятда кўпол муомалада бўладилар. Кўпинча ҳузурларида ўтирганларнинг ёши улуглиги, халққа меҳнати сингганлиги, аёл ёки отаона эканлиқларини ҳам унутиб қўядилар. Барчаси билан бирдек — осмондан келиб гаплашадилар. Дағдағазуғум билан эзгуликни тарғиб қилиб бўлмаслигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Ёки, айтايлик, бирор мактабда учрашув бўлаётган бўлса, улар қонунчилик, ўзлари бажарётган ишлар ҳақида, керак бўлса, соатлаб ваъзхонлик қиладилар, лекин тўсатдан «Уқувчилар ҳам севиши мумкинми?» деган савол тушиб қолса, нима дейишларини билмайдилар. Демокчи бўлганим, милиция ходими, фақат қонун посбонигина эмас, энг аввало, одамларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатувчи, ёшларга устоз-мураббий бўлиши шарт. Бизда эса масаланинг бу жиҳати узоқ вақт эътибордан четда қолиб келди.

## ОЧИҒИНИ АЙТГАНДА

Бу ҳоллар ўз асоратини кўрсатади. Бирнинг касри мингга уриб, халқнинг милицияга нисбатан ишончи йўқолди. Шу боис қайта қуриш даврига келиб кўпчилик у ҳақда бор ҳақиқатни рўй-рост айта бошлади. Эндиликда баъзи кишилар, ҳатто, милициянинг умуман кераги йўқ дейишдан ҳам тап тортишмаяпти. Мен ички ишлар органлари фаолиятидаги хато-нуқсонларни инкор этмайман, аммо милициядан воз кечиш керак, деган фикрга мутлақо қўшила олмайман. Ахир, ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг, борди-ю, бир кунгина милиция хизмати тўхтатиб қўйилса, нима бўлади? Шубҳасиз, шаҳар ва қишлоқларимизда қотиллик, ўғирлик, зўрлаш, одамларни тунаш, қаллоблик каби жиноятлар ҳозиргидан ҳам боттар авжга чиқди. Шусиз ҳам ночор, қийналиб яшаётган халқнинг шўри қуриydi, ҳаёти таҳлика остида қолади.

Бинобарин, жамиятимиз ҳаётини милициясиз тасаввур этиш қийин. Лекин унинг фаолиятини тубдан яхшиламай туриб, йўқотилган ишонч-ни тиклаб ҳам бўлмайди. Бунинг учун ички ишлар соҳасига ҳар томонлама етуқ, жасур ва қўрқмас, пок ва ҳалол, фидойи ёшларни жалб этишимиз, шу соҳа номини еган фахрийларнинг кўп йиллик тажрибаларидан фойдаланишимиз лозим. Айни чоғда милиция ходимларининг моддий-иқтисодий аҳволини яхшилашимиз, уларнинг ойлик маошларини хизматларига яраша кўпайтиришимиз керак. Бировнинг қўлига қарамайдиган қилишимиз лозим. Чунки милиция ходими ҳам, қандай лавозимда ишлашдан қатъи назар, биринчи навбатда одам. Унинг ҳам оиласи, хотини, бола-чақаси бор. У ҳам бошқаларга ўхшаб вақтда дам олиши, байрам қилиши, эл-юрт қатори тўй-томошаларга бориши, маърака-маросимларда қатнашиши керак. Шу билан бирга хизмат вазифасини ҳам ўташи шарт. Лекин, кўпчилик уни ҳамisha ҳам тушу-

навермайди. Айтايлик, одамлар бирор нарса харид қилиш учун дўконда навбатда турган маҳал сафга милиция ходими келиб қўшилса, дарҳол шивир-шивир бошланади, баъзи бировлар ичида фикриниб, унга адоват кўзи билан қараб ҳам қўяди. Хўш, бу ўринда милиция ходимининг айби нима? Аксарият пайтларида кечани-кеча, байрамни-байрам демой, ҳордиқ нималигини билмай, ўз уйидаги, қариндош-уруғларникидаги тантаналарда бафуржа қатнашолмай, эл осойишталиги йўлида хизмат қилаётганими? Бу ҳақда нега ўйлаб кўрмаймиз?

Шу нуқтан назардан қараганда, жумҳуриятимизда милиция ходимларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш юзасидан қонун қабул қилинганлиги яхши бўлди. Аммо биз ўз фаолиятимизда тубдан бурилиш ясамасак, эл ишончини қозонишимиз мушкул. Энг аввало, сафларимизни ёш, сергайрат, ҳалол ходимлар билан тўлдиримиз,

халқ билан алоқани мустаҳкамлашимиз шарт. Биз шунини ҳисобга олиб, ўтган йили туман партия, совет органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, социалистик қонунчилиқни мустаҳкамлаш бўйича 1990—1995-йилларга мўлжалланган яхши тадбирлар режасини қабул қилдик. Шу асосда тумандаги меҳнат жамоалари ҳисобидан 17 нафар участка, 27 нафар патруль пости хизмати милиционерларини, 8 нафар йўл назорати инспекторларини ишга олдик. Ҳозир улар касб маҳоратларини ошириш учун махсус курсларда ўқимоқдалар.

Иккинчи бир ишимиз — ёшлар ўртасидаги жиноятчиликка барҳам бериш учун уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этдик. Шу мақсадда кўп қаватли бинолар, корхона ва ташкилотлар ертўларини жиҳозлаб, спорт тўғрақлари очдик. Бундан ташқари, йўл ҳаракати қондалари ва ҳуқуқшунослик дарслар самардорлигини оширишга ҳисса қўиши ниятида мактабларга ходимларимизни юбориб, ўқувчилар билан учрашувлар уюштирдимиз. Жиноятчиликни камайтириш, айбдорларни тез топиб аниқлаш мақсадида отлик взвод ташкил этдик. Бунинг учун 30 та чопқир, зотдор отни танлаб олдик. Взводга А. Турдиматов, Ш. Мадраҳимов, М. Исмонов, Т. Эшонқулов каби ёшлар ва тажрибали ходимларимизни жалб қилдик. Улар асосан тунда фаолият кўрсатмоқдалар.

Амалга ошираётган ишларимиз ўз самарасини бермоқда. Аҳолининг милицияга ишончи ортмоқда. Бироқ ишимизга панд бераётган муаммолар ҳали кўп. Улардан бири юқоридан қабул қилинаётган қонунларнинг номукамаллигидадир. Аниқроғи, баъзи қонунларни қабул

қилишда жойлардаги аҳвол, маҳаллий шарт-шароитлар лозим даражада ҳисобга олинмаяпти. Оқибатда бизнинг иш фаолиятимизда қатор камчиликлар пайдо бўлмоқда. Масалан, ўтган йили октябрда савдодаги суиистеъмолчиликлар ва чайқовчиликка қарши курашни кучайтириш юзасидан қонун қабул қилинди. Унда чайқовчилик билан шуғулланган шахс давлат савдо корхонасидан маҳсулот олиб, бошқаларга қимматга сотганлиги тасдиқлангандагина, уни жавобгарликка тортиш мумкинлиги кўрсатилган. Бу ҳолатда катта миқдордаги камёб молларни бир неча баробарига қимматига сотаётган шахслар ушланиб, тергов ҳаракатлари олиб борилса, улар бу молларни биз номаълум шахслардан сотиб олганми, деб туриб олишлари таяин гап. Шунга кўра, ушбу жиноят ишини бекор қилишга тўғри келади. Аниқроғи, агар жиноятчи ўша камёб молларни қайси савдо дўконидан сотиб олганлигини айтмаса, унинг устидан жиноят иши кўзга тиб бўлмайди. Масалан, Қайқи қишлоқ Шўроси ҳудудиде яшовчи бир одам яқинда туман ички ишлар бўлимининг ОБХСС ходимлари томонидан жиноят устида қўлга олинди. У 1010 кўти «Полёт» сигаретини ва 10 шиша «Русская водка» ароғини ўз фойдасига пуллаётган экан. Тергов даврида у чайқовчилиги эвазига 770 сўм фойда кўргани аниқланди. Лекин бу молларни мен Қоракўл шаҳридаги номаълум бир шахсдан сотиб олганман деб кўргазма берди. Шунга кўра, кўзга тилган жиноий иш бекор қилиниб, ундан олинган далилий ашёлар ўзига қайтариб берилди.

Шунга ўхшаш яна бир мисол: қонунга биноан, давлат мулкни талон-тарож қилишда айбланаётган одам давлатга 10000 сўмлик миқдорда келмад келтирган бўлса-ю, лекин ўша маблағни қарвга, нима учун сарфлангани юз фоиз тасдиқланмаса, у жиноий жавобгарликка тортилмайди. Қарабсизки, бу ўринда яна ким айбдор? Милиция ходими! Ҳатто, одамлар ундан шубҳаланишгача бориб етадилар. Негаки, бугун жиноятчи ёки чайқовчини ушлаган, уни уйида тинтув ўтказган милиция ходимлари эрта-индин ноиложликдан уни қўйиб юборсалар, одамларнинг албатта, ундан ҳафсалалари пир бўлади. Кези келганда, милицияни таниш-билишчиликда ёки порахўрликда айблашдан ҳам қайтишмайди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бас, шундай экан, қонунларни қабул қилишдан олдин жойлардаги шарт-шароит жиддий ўрганилиб, сўнгра хулосалар чиқарилса, фойдадан холи бўлмасди.

Кўриниб турибдики, милициянинг халқ ўртасидаги обрў-эътиборини, маъқенини кўтариш кўп омилларга боғлиқ. Шуларни ҳисобга олиб иш тутаскинга милиция ўз обрўсини тиклаб олади. Эл-юрт осойишталигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш, халқ ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда чинакам побонга айланади.

**А. ҒАҒУРОВ,**  
Учқўрғон тумани ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасидан.

## Билиб қолишди...

Илҳомнинг бугун димоғи чоқ. Бир кечада шунча пул топишнинг ўзи бўлмайди-да. Энди маъза қилиб яшаши мумкин. Анаву шериги милиция ушлаб олади, деб қўриқиб ўтирибди-я. Қани, ҳеч ким билмади-ку. Агар машина жойида турган бўлса, бориб яна ул-булини олиб келиш керак. У шу ҳаёлда ўр-нидан кўзгалди.

... Қишнинг сўнги кунлари эди. Илҳом ўртоғиникида алламаҳалгача ўтирди. Тунги соат иккиларда Тўра билан бирга кўчага чиқишди. Қандайдир оламшумул иш қилмоқчи эдилар. Тўғрироғи кўнгилочар бирор нарса билан овуниш керак эди уларга. Шу ҳаёлда кетаётган Илҳомнинг кўзи кўп қаватли уйларнинг бири ёнида турган энгил машинага тушди.

Атрофни обдон кўздан кечиришгач, аста машинага яқинлашдилар. Илҳом пойлоқчиликда турди, Тўра эса машина эшигини очиб, ўт олдиришга бўлди. Аммо урдасидан чиқолмагач, икки улфат «Жигулини» қўшни кўчага итариб бордилар. Шу пайт қаердандир оғайнилари Сергей келиб қолди. Илҳомнинг илтимосига биноан Сергей машинани ўт олдириб берди. Сўнгра уч оғайни «Жигулини» Илҳомнинг уйи олдига ҳайдаб келишди. Ва машина юкхонасида турган уч дона филдиракни, уч дона шинани, нархи 70 сўмлик асбоб-анжомлар йиғмасини, икки дона сигнални ҳамда бошқа майда-чуйдаларни олишиб, Тўранинг уйига яшириб қўйишди. Кўнгиллари бироз ором олгач, Сергейни ўз уйи олдида қолдиришди-да, машинанинг рулини шаҳар чеккасидаги овлоқ жойга қараб буришди. Бу ерда Илҳом билан Тўра иккаласи «Жигулини» чуқур жойга ҳайдаб киришди-да, орқадаги ойнани ечиб олишди.

— Тўра, қоронғулик қилаяпти. Бари бир бу ердан ҳеч ким тополмайди. Яхшиси, уйга бориб дам олайлик-да, эртага кундузи ишни давом эттирамиз.

— Яхши, мен рози.  
... Эртаси икки улфат яна шу жойга келишди. Машина жойида турарди. Мотор қоққонини очиб, чайқовда палон пул турадиган барча эҳтиёт қисмларини ечиб олдилар. Бошқа қўлга илашадиган нарса қолмаганига кўнгиллари етгач, уйларига қараб йўл олишди.

Илҳом калта ўйлаганди. Қилни қирқ ёрадиган жиноят қидирув бўлимининг ходимлари унинг хонадонига келганда, боши эгилиб қолди.  
**А. МУМИНОВ,**  
Жиззах шаҳри.

## ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ИШҚИБОЗЛАРИ

Яқинда Урганч тумани ИИБга фуқаро Абдурашул Нийезметов ташвишли ҳолда арз қилиб келди. Туман марказининг Ленин кўчасидаги 8-уй олдида турган «ВАЗ-2101» белгили 65-78 ХЭИ рақамли шахсий машинасини кимдир олиб қочиб кетган. Аризақидан тегишли жавоблар олинди.

Милиция ходимлари машинани қўшни — Хонқа тумани ҳудудидан топдилар. Лекин унинг барча филдираклари, аккумулятор бата-рейеси, пешойнаси ва бошқа қисмлари ечиб олинганди. Жиноят қидирув ходимлари олдида изсиз йўқолган ўғрини топишдек мушкул вазифа турарди.

Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида машина ўғриси икки кун ичида қўлга олинди. У шу ерлик Р. М. экан. Айни пайтда суриштирув ишлари олиб борилмоқда.  
**Б. САЪДУЛЛАЕВ,**  
Хоразм вилояти.

# ЖАРЛИКДАГИ КАБОЖАТ

## I. ГУЛВУЖУД ХАЗОН БУЛМАДИ

Бу воқеага бир неча йил бўлди. Ушанда мен автопатрул командири, шофёрим эса ишга янги кирган ёш йигитча эди.

Хар сафар участка вакили навбатчиликка чиқишимиздан олдин сил касалликлари диспансери ортидаги жарликка кўз югуртириб қўйишимизни илтимос қиларди.

— Жуда хилват жой, — деб таъкидларди у. — Нияти қора шахслар кўпинча шу ерда тўнланишади.

Шу боис диспансер қоровулидан машинага қараб туришини илтимос қилиб, ўша пасткамликни кўздан кечиришга аҳд қилдик. Шифохонага 20 метрча қолганда ети-санкиз нафар боланайлар бизни ўраб олиб, алланарсалар деб чуғурлай бошлади.

— Булар нима дейишпти? — деб сўрадим қоровулдан.

— Ҳозиргина битта «УАЗ» машина шу ёққа ўтиб кетганди. Болалар ўшаларни ушлагани келдингларми, деб сўрашяпти.

Қарасан, диспансернинг орқа томонига машинада ўтиш мумкин экан. Лекин ҳув нарида битта машина сизгадан йўл қолдирилиб, ўнг томони диспансернинг панжарали деворига қадар, чап томони жарариккача кавлаб ташланган эди. Машина чироқларини ёқмасдан ўша ергача бордик ва моторни ўчирдик.

Энди у ёқдан машина чиқиб кетолмас, яккаю ягона йўл тўсиб қўйилганди. — Тайёр бўлиб туринг, — дея шофёрга тайинладим. — Рацияда чақиршим билан машинада етиб боринг!

Кейин фуражкамни қўлга олиб, дарахларни пана қилиб олдинга интилдим. Тахминан 40 метрча юргач, жарлик ёқасида олди биз томонга қаратиб қўйилган «УАЗ» белгили машинага дуч келдим.

Кутилмаганда шеригим келишувимизни буюди. Узоқни ёритувчи чироқларини ёқиб, гувиллаб кела бошлади. Номатлум машинанинг орқа ўриндиғида ўтирган оқ кўйлакли бир йигит қайрилиб менга қарадида, ланг очиқ турган эшикдан ўзини пастга олди. Жарликдан қарсиллаган овоз келди. Югуриб қирғоққа бордикда, чўнтак фонаримни ёқдим. Лекин қочқонни кўрмадим.

Шу пайт машинада яшириниб ўтирган яна бир одам ҳам қоча бошлади. Лекин уни 50-60 метр наридан ушлаб келтирдик. У «УАЗ» шофёри экан.

Машина кузовида қочқоннинг шими ва дўпписи, аёллар лозими ётарди. Орқа ўриндиқда эса ҳамаси 14 ёшлардаги қизча қўрқувдан дағ-дағ титрарди.

— Қўкчада турадиган холамнига боргандим, — дейди у ҳиқиллаб. — Кеч соат 6 ларда уйимизга кетмоқчи бўлиб, кўчага чиқдим. Бекатга 50 метр қолганда ик-

ки томонидан икки йигит келди. Пичоқ билан қўрқитиб, шу машинага зўрлаб ўтқизишди. Бекатда одамлар кўп эди, лекин ҳеч қайси бири ёрдамга келмади.

Улар қизчани тўғри шу ерга олиб келишган. «Қаршилиқ кўрсатсанг, сўйиб ташлаймиз», — деб қўрқитишган. Кейин ечинтиришган...

Агар шофёрим машина чироқларини ёқиб келиб қолмаганида кечикарканмиз. Гул вужуд ифлос панжалар орасида хазон бўларди.

Негадир рацияда чақирган бўлсам ҳам, изтопар ит билан ёрдамга келишмади. Кейин ИИБга қайтдик.

Бир неча кундан кейин Октябрь тумани прокуратурасига чақиртиришди. Мен тутолмаган «Капитан» лақабли жиноятчини ушлаб келишган экан. Ниҳоят прокуратура ишни судга оширди. «Капитан» уч йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Терговчи Абдусамад ака Исмоилов билан ўшанда танишиб қолганман.

## II. АЙРИЛИҚ ВА ФОЖИА

Орадан бир неча йил ўтди. Абдусамад акани учратиб қолдим.

— Яқинда менга бир иш беришди, — дея ҳикоя қилди Абдусамад ака. — Жабрланувчи 15 ёшли қизалоқ экан. Милиция бўлимидан олиб чиқишди. Роса икки соат суҳбатлашдик.

Тошкент шаҳрида яшовчи Пётр ва Проскофьяларнинг икки фарзанди бўлганларидан кейин «характерлари тўғри келмай қолди». Қонун йўли билан ажралишгач, 4 ёшли Фома отаси билан шу ерда қолди, 2 ёшли Фаина эса онаси билан Ульяновскка кўчиб кетди.

Онаси у ерда турмушга чиқди. Ҳамма нарса қайтадан изга тушгандек эди. Лекин ахён-ахёнда Тошкентда акаси ва отаси борлигини Фаина эслаб қолар, шунда унинг мурғак қалби соғинчга тўлиб-тошарди. Орадан йиллар ўтиб, у 15 ёшга тўлди. Кунлардан бир кун у дилидагини тилига чиқарди.

— Акам Фома қандай йигит бўлди экан-а, ойи?

Онанинг ҳам яраси янгилашиб, кўзларида халқа-халқа ёш пайдо бўлди. Шу кун у эри билан маслаҳатлашиб, Фаинани бир-икки ҳафтага Тошкентга юборишга қарор қилди.

Эртаси кун эса уни қўналғада оқ йўл тилаб кузатиб қолдишди.

Ниҳоят тайёра осмон-фалакка кўтарилди. Фаина орзуси рўёбга чиққанидан

енгил тортиди. Иллюминатордан ташқарига қаради: ҳеч нарса кўринмади.

У кўзларини юмди. Ширин хаёлларга чулғаниб, ўз-ўзини буткул унутди. Яна бир неча соатдан сўнг етиб боради. Отасинику бир амаллаб таниса керак. Лекин акасини... Ахир орадан оз эмас, 13 йил вақт ўтди. Бўйи чўзилиб, каттагина йигит бўлиб қолгандир...

Стюардесса Тошкентга қўнаётганларини айтди. Кутиб залида турган отасини, унинг ёнидаги бўйчан йигитча — Фомани дарров таниди. Улар ҳам. Ака-сингил одамларни туртиб-туртиб, бир-бирларига ошиқришди. Кейин бир не-



ча лаҳза сўзсиз туриб қолди. Ва сўзсиз бир-бирларини бағриларига босишди. Айни пайтда отанинг ҳам, аканинг ҳам, сингилнинг ҳам кўзлари жинға ёшга тўлганди. Бу ёшлар 13 йиллик айрилиқ губорларини ювиб кетган қўтлуг ёшлар эди.

Уйга келишди. Қариндош-уруғлар йиғилишди. Роса ўйин-кулги қилишди. Гўёки тўй бўлди.

Ҳаш-лаш дегунча орадан ҳафта ўтди. Сафари қариди. Фаина узоғи билан бир ҳафтадан кейин ортига — Ульяновскка қайтиши керак. У ёқдагилар у-бу нарса бўлса олиб келарсан, деб 700 сўм пул беришганди. Шу ҳақда оғиз очди.

— Эртага дам олиш кунини, — деди қариндошларидан бири. — Майли бирга шаҳар айланамиз.

Афсус, ана шу «шаҳар айланиш» ўзига ниҳоятда қимматга тушишини қизгина хаёлига ҳам келтирмаганди.

Эртаси кун у ўша қариндоши билан Хадрадаги ярмаркага келди. Пештахталарда унга керакли нарсалар бор экан, фақат одам кўп. Фаина уларнинг орасидан туртиниб-суртиниб олдинга ўтди. Кейин сотувчига айтиб

турди, у эса айтилган нарсаларни олиб, пештахтага тўплайверди.

— Бўлади, энди ҳисоблай-веринг.

— Ҳаммаси бўлиб 577 сўм, — деди сотувчи чўт доналарини қарс-қурс ташлаб.

Фаина пул олиш учун сумкасига қўл солди-ю, шу заҳоти рангги докадек оқариб кетди.

— Вой, ҳамёним йўқ, — деди ҳолсизгина.

Атрофдагилардан «Қанча пул бор эди?», «Нима қилиб олдингиз?», «Сумкадан олиб кетибдими?» каби саволлар ёғилар, қиз бечора уларга илтижо билан боқарди.

Шу пайт одамлар оралаб келган икки барваста йигит:

— Нима бўлди, синглим? — деб сўрашди.

— Пулимни...

Улар учинчи йигитга мурожаат қилишди.

— Уртоқ капитан, бу ҳойнаҳой «Серий»нинг иши бўлса керак!

«Капитан» индамай четга чиқди, орқасидан улар ҳам. Кейин у бояғи йигитга қаради.

— Нимага асосланаёсиз?

— Менимча, ўша, ўртоқ капитан, Йигирма минутча олдин қўшни бўлимда ивирсиз юрувди.

— Мурожаат этишга рухсат этинг, ўртоқ капитан! — дея иккинчи йигит суҳбатга аралашди.

— Рухсат.

— Чиндан ҳам «Серий» катта пулни қўлга киритган. Уйига боради тўппа-тўғри. Биз ҳозир ундан олдинроқ бориб туришимиз керак.

— Маъқул, — деди «капитан» ва қизга юзланди. — Сиз нима дейсиз, биз билан бирга борасизми?

— Албатта, — деди Фаина гўёки изқуварлар бир зумда йўқотган пулини топиб берадигандек.

Йигитлардан бири машина топиб келди. «Капитан» олдинга — шофёрнинг ёнига, қолганлар орқа ўриндиққа ўтиришди. Фаинанинг қариндошини эса машинага чиқаришмади.

— Сиз тўғри ИИБга боринг, навбатчилик қисмида кутиб ўтиринг! — дейишди.

Шиддат билан йўлга чиққан машина Навой ва Усмон Юсупов кўчалари кесишган жойда тўхтади. Машинадан тушишди.

Йўлнинг нариги томонига ўтиб, бошқа машина тўхтадида, орқага — Оқтепага қараб жўнашди. Сил касалликларни диспансери томон бурилишди. Уларнинг тузаётган «режалари»ни эшитган шофёр ЖҚБ ходимлари деб ўйлаб, тезроқ ман-

зилга етказиш учун шошиларди.

Ниҳоят машинани тўхташди.

— Уртоқ капитан, хув ануви сарғиш уйни кўраёсизми? — деб сўради йигитлардан бири.

— Қайси бири, четдан учинчисими?

— Худди ўша, «Серий»нинг уйи. Шу жарлик бўйлаб 300 метрча юрсак, осма кўприк бор. Ўша ердан ўтсак, йўлимиз яқин бўлади.

Чиндан ҳам осма кўприк бор экан. Ундан ўтиб, пастликка томон юришди. Фаина қараса, олдинда ҳеч қанақа йўл йўқ. Анҳор тўла сув оқаяпти.

— Мени қаёққа олиб кетаяёсизлар? — деб сўради юраги ҳаприқиб кетган қиз ва юқорига қараб қочмоқчи бўлди.

«Капитан» эса унинг момки биллагидан ушладида, қаҳ-қаҳ уриб кулди. Кейин бир мушт туширган эди, қизнинг нафаси чиқмай қолди. Йигитлардан бири чўнтагидан пичоқ чиқариб, тугмачасини намойишкорона босган эди, «шиқ» этиб очилди.

— Менга қара, ойимча, қанча бақирсанг ҳам, овозингни биров эшитмайди, — деди у совуқ тиржайиб. — Яшашни хоҳласанг, буйруғимизга итоат этасан.

— Қани, ойимча, қўйлагингни еч! — буюрди «капитан».

— Худо ҳаққи, ёлвораман, менга тегманлар, ил...

Қорнига тушган иккинчи мушт зарбидан Фаина 3-4 метр нарига учиб тушди. Кимдир пичоқ яланғочлаб яқинлашаётганини кўрдию:

— Утинаман, урманг! — дея қўйлагини еча бошлади. Қип-яланғоч бўлди. Кейин...

Хушига келиб, қўзини очди. Осмондаги хира-хандон юлдузларни кўрди. Чоратроф қоронғу. Амаллаб кийимларини кийди. Тун ярмидан оққанда, Октябрь тумани ИИБга етиб келди.

— Қизни олиб, воқеа содир бўлган жойга бордик, — дейди Абдусамад ака. — Жарликда жиноятчиларнинг изларини аниқладик, ашёвий далилларни ҳам экспертизага топширдик.

ИИБда қизга бир неча фотосуратларни кўрсатдим. У бирма-бир кўздан кечирар экан:

— Мана бу! — деб суратни кўрсатди.

У «Капитан» эди.

Шерикларини икки-уч кунда қўлга олди. Лекин «Капитан» тутқич бермасди.

Ниҳоят битта дўконга тез-тез келиб туришини билиб, кузатувчи қўйдик. Бир вақт у телефон қилиб, «келди» деган сўзни айтди. Дарҳол 4 нафар ЖҚБ ходимини олиб, етиб бордик. «Капитан» ҳам ҳибсага олинди.

Яқинда халқ суди бу жиний гуруҳ фаолиятини кўриб чиқиб, ҳукмини ўқиди. Уларнинг икки нафари 12 йилга, «Капитан» эса 14 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Мўйдин СУФИ.

Пахтаобод тумани истироҳат боғида ички ишлар бўлимининг собиқ участка инспектори, кураш бўйича спорт усталлигига номзод милиция капитани Гафур Нишонов соврини учун ёшлар ҳамда ўсмирлар орасида мусобақа ўтказилди. Туман ИИБ бошлигининг ўринбосари милиция капитани Ф. Маликов, уруш ва меҳнат фахрийси Э. Соатовлар ушбу мусобақани очиб беришаркан, марҳум Ф. Нишоновнинг жамоат тартибини сақлашда ва жиноятчиликнинг олдини олишда

## ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШИШДИ

кўп меҳнати синганлиги ҳақида илиқ сўзладилар. Бу мусобақада «Правда», Титов номли давлат хўжалиги, Алишер Навоий номли, Усмон Юсупов номли, В. И. Ленин номли ўрта мактабларнинг полвонлари иштирок этишди. Ҳакамлар ғолибларни аниқлаб, уларга ёрлик ва совғалар тақдим этишди. Биринчи ўринни 2-ўрта мактаб ўқувчилари: М. Охунов, 31 килограммлик вазн бўйича О. Нурматов, 34 килограммлик вазн бўйича Ш. Раҳматов, 43 килограммлик вазн бўйича А. Абдурасулов, 47 ва 70 килограммлик вазнда К. Зармасов, П. Нурбобоевлар эгаллашди. 40 килограммлик Э. Соатов, 65 килограммлик Х. Соатов, 51 килограммлик И. Суннатов, 55 килограммлик С. Маматқулов,

60 килограммлик О. Усмоновлар ҳам ўз вазнлари бўйича биринчиликни қўлга киритдилар.

Титов номли ва «Правда» давлат хўжаликлари шарафини ҳимоя қилган 55 килограммлик И. Мусурмонов, 60 килограммлик З. Усмонов, 65 килограммлик У. Ботиров, 70 килограммлик Н. Абдурасулов, 75 килограммлик Б. Хўжаназаровлар ҳам рақибларидан устун келишди.

У. БОЙМИРЗАЕВ, милиция старшинаси.

## ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Поста» рўзномасига барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин. Агар Сиз 5 июлга қадар рўзномамизга ёзилишга улгурсангиз, уни кейинги беш ой давомида олиб турасиз. Обуна баҳоси: 5 ойга — 6 сўм 50 тийин, 3 ойга — 3 сўм 90 тийин. Рўзноманинг обуна рақами — 64615.